



SENTENCE ON THE BASIS OF CRIMINAL-LEGAL PRINCIPLES: THEORY AND PRACTICE

Esanov Azamat Esirgapovich

Independent researcher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18052272>

ARTICLE INFO

Received: 16th December 2025

Accepted: 24th December 2025

Online: 25th December 2025

KEYWORDS

Criminal law, sentencing, criminal law principles, judicial and legal reforms, human rights, rule of law, fair punishment, humanism, criminal liability.

ABSTRACT

This scholarly work provides a comprehensive analysis of the theoretical and practical aspects of the institution of sentencing in criminal law in the context of the judicial and legal reforms being implemented in the Republic of Uzbekistan. The study reveals that the processes of legislative reform are aimed at ensuring human rights and freedoms, and it examines the essence and content of the liberalization policy carried out in the field of criminal law. It substantiates how the objectives set out in the "Uzbekistan-2030" Strategy, focused on ensuring the rule of law and reliable protection of human rights, are being realized through the institution of sentencing in criminal law. The paper explores the concept of sentencing, its role in the implementation of criminal liability, and its significance in judicial practice. From a scientific and theoretical perspective, the application of the principles of legality, justice, humanism, democratism, liability based on guilt, and the inevitability of liability, as enshrined in the Criminal Code, is analyzed in the process of sentencing. In addition, special attention is paid to the interrelation and coherence of general legal, criminal law, and criminal procedural principles in sentencing.

ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ПРИНЦИПЛАР АСОСИДА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Эсанов Азамат Эсиргапович

Мустақил тадқиқотчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18052272>

ARTICLE INFO

Received: 16th December 2025

Accepted: 24th December 2025

Online: 25th December 2025

KEYWORDS

ABSTRACT

Мазкур илмий ишда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида жиноят ҳуқуқида жазо тайинлаш



Жиноят ҳуқуқи, жазо тайинлаш, жиноят-ҳуқуқий принциплар, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, адолатли жазо, инсонпарварлик, жиноий жавобгарлик.

институтининг назарий ва амалий жиҳатлари комплекс таҳлил қилинган. Тадқиқотда қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш жараёнларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилганлиги, айниқса жиноят-ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган либераллаштириш сиёсати мазмун-моҳияти очиб берилган. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга оид мақсадлар жиноят ҳуқуқида жазо тайинлаш институти орқали қандай рўёбга чиқаётгани асослаб берилган. Ишда жазо тайинлаш тушунчаси, унинг жиноий жавобгарликни амалга оширишдаги ўрни ҳамда суд фаолиятидаги аҳамияти ёритилган. Жиноят кодексида мустаҳкамланган қонунийлик, адолатлилик, инсонпарварлик, демократизм, айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги каби жиноят-ҳуқуқий принципларнинг жазо тайинлаш жараёнида қўлланилиши илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, жазо тайинлашда умумҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий ва жиноят-процессуал принципларнинг ўзаро уйғунлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қонунчилик тизимини ислоҳ қилиш борасидаги ишларга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур ислоҳотларнинг туб негизида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва халқ фаровонлигига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш масаласи турибди.

Жумладан, дунё мамлакатларида жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларнинг олдини олиш ва уларга нисбатан жазо тайинлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз ҳаётида ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлардан энг йирик ва аҳамиятлиси бу суд-ҳуқуқ ислоҳотларидир. Бу жараёнда жиноят-ҳуқуқий соҳада Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва жиноят қонунига киритилган ўзгартиришлар ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши, қонунлар инсон қадри ва манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилгани яққол далилидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон— 2030” стратегияси тўғрисида”ги 158-сонли



Фармони¹ ҳақида баён этсак, унга кўра Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлардаги мақсад, - “Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашни суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш” белгиланган.

Жазо тайинлаш Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Тайинланган жазонинг қанчалик қонуний ва адолатли бўлишлиги фақат жиноят содир қилишда айбланаётган шахснинг тақдиригагина эмас, балки, жиноят қонунчилиги билан олдинга қўйилган мақсадга эришилганлигига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу институт доирасидан келиб чиққан ҳолда қонунчиликда жазо тайинлашда Жиноят қонунчилигидаги принципларга риоя этишга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Жазо тайинлаш жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга Жиноят кодексига мувофиқ жазо тури, унинг муддати ва миқдорини белгилашни англатади. Гарчи ЖКнинг 11-бобида жазо тайинлаш ҳақида бирликда сўз юритилса-да, шунга қарамай, тегишли ҳолларда суд асосий жазо билан бир қаторда қўшимча жазо ҳам тайинлайди ва улар жамулжам ҳолда ягона жазони ҳосил қилади.

Жиноят содир қилган шахсга нисбатан тайинладиган жазо жиноий жавобгарликни амалга оширишнинг асосий шаклларида бири ҳисобланади. Шахсга нисбатан жазо тайинлаганда суд унинг содир этган қилмишига жиноят қонуни тегишли моддаси билан малакаш орқали ҳуқуқий баҳо беради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мазкур қилмишни фош этиш борасида амалга оширган ҳаракатларини сарҳисоб қилади. Айнан шу сабабли жиноят ҳуқуқи назариясида жазо тайинлаш институти муҳим аҳамиятга эга. Жазо тайинлаш жиноят ҳуқуқи институтларидан бири ҳисобланиб, ушбу институтнинг аҳамияти шундаки, у орқали судлар одатда муайян жиноятни содир этганлик учун судланувчига жиноят қонунида белгиланган энг мақбул жазо тури ва миқдорини тайинлайдилар.

Жазо тайинлашнинг ўзига хослиги унда бир вақтнинг ўзида ҳуқуқнинг бир қатор соҳаларида мавжуд бўлган принципларга амал қилинади. Хусусан, жазо тайинлашда умумҳуқуқий (қонунийлик, барчанинг қонун олдида тенглиги), жиноят ҳуқуқи (одиллик, инсонпарварлик, демократизм, айб учун жавобгарлик ва бошқа ҳамда жиноят-процессуал ҳуқуқининг махсус (одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва бошқа) принциплари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида эса, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги жиноят-ҳуқуқий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 11.09.2023 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон— 2030» стратегияси тўғрисида 158-сонли Фармони,



принциплари эълон қилинган (ЎЗР ЖКнинг 4-10-моддалари). Жиноят ҳуқуқи принципларини қонун йўли билан тартибга солишнинг вазифаси жиноят қонуни амалда тўғри қўлланилишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини, давлат жиноят қонунчилиги сиёсатининг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Айни вақтда, жиноят қонунчилиги асослари ёки ЖКда инсонпарварлик, одиллик ва бошқа принципларни тўғридан-тўғри таърифловчи моддалар мавжуд эмаслиги амалдаги жиноят қонунчилиги мазкур принципларга мувофиқ эмаслигини англатмайди. Аммо жиноят ҳуқуқида бу принципларни аниқ билиш ва ёдда сақлаш қонун чиқарувчи учун ҳам, қонунни қўлловчи учун ҳам муҳимдир. Айни шу сабабли жиноят-ҳуқуқий принциплар жиноят қонунининг ўзида бевосита мустақамланганлиги шак-шубҳасиз прогрессив ҳодисадир. Жиноят ҳуқуқи принципларини ўрганган мутахассислар бошқа принциплар, чунончи: шахсий жавобгарлик, жазони тежаш, мақсадга мувофиқлик ва асослилик принципларини ҳам қайд этганлар.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, уларни ўрганиш ушбу тадқиқот вазифаларига кирмайди. Жиноят ҳуқуқи принциплари деганда “ҳуқуқ нормаларида мустақамланган, жиноят ҳуқуқининг мазмуни ва йўналишини тавсифлайдиган ёки унинг айрим қоидалари ва институтларида ўз аксини топган раҳбар ғоялар”ни тушунадиган бўлсак, кейинчалик ЖКда бошқа ижобий ва прогрессив принциплар ҳам мустақамланса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда ЎЗР ЖКда мустақамланган принципларнинг барчаси (қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари) ўз моҳиятига кўра жиноий жавобгарлик принциплари ҳисобланади. ЎЗР ЖК 2-моддасининг иккинчи қисмида уларга айни шундай маъно юкланган, хусусан, 2-модданинг биринчи қисмида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун Кодекс жавобгарликнинг асослари ва принципларини белгилаши қайд этилган.

Шу билан бир вақтда бу принципларни амалга оширишнинг тўлиқлиги уларни жиноят қонунининг ўзида, яъни ЖК Умумий ва Махсус қисмларининг нормаларида изчил амалга ошириш билан ва жазо тайинлашда эътиборга олиниши билан белгиланади.

Жиноят ҳуқуқидаги “жазо тайинлаш” мезонини таҳлил қилар эканмиз, унинг асосий ўзагини “жазо” атамаси ташкил этишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Амалдаги қонун ҳужжатлари таҳлил этилар экан, “жазо” тушунчасига турлича ёндошилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жазо тушунчаси борасида миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан кўплаб назарий қарашлар келтирилган. Қолаверса, амалдаги Жиноят кодексида ҳам жазо тушунчасига таъриф берилган. Хусусан, Жиноят кодексининг 42-моддасига мувофиқ жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурият чорасидир.



Бу борада сўз кетганда Ғ.Ботиров “жазо” тушунчаси амалдаги жиноят қонунида ноўрин қўлланилганлигини ва “жазо” тушунчасининг ўрнига “жиноий-ҳуқуқий чоралар” тушунчасини ишлатилиши унинг фикрича мантиқан тўғри деб, чунки “жазо” атамаси жиноий-ҳуқуқий чораларнинг таркибий қисми деган хулосани илгари суради².

Яна бир миллий ҳуқуқшунос олим М.Назаров бошқа олимларнинг жазога оид назарий қарашларини таҳлил қилган ҳолда ушбу тушунчага Жиноят Кодекси принципларига асосланган, жиноят содир қилишда айбдор шахсга нисбатан суднинг ҳукмига кўра давлат номидан қўлланиладиган, маҳкумни қонунда белгиланган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қиладиган ва чеклайдиган, жисмоний қийноқ ва инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайдиган, унинг жиноий фаолиятини тўхтатиш ва маҳкум ҳамда бошқа шахслар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олишга қаратилган мажбурлов чораси сифатида таъриф беради.³

Ҳуқуқшунос олимларнинг мазкур қарашларини таҳлил қилар эканмиз, жазо фақатгина суд томонидан тайинланиши ҳақидаги ёндошувга тўлиқ қўшилишимизни таъкидлаш жоиз. Зеро, амалдаги Жиноят кодексининг 54-моддасида ҳам жиноят қилганлик учун Жиноят Кодексининг Махсус қисмида жазо фақат суд томонидан тайинланиши аниқ белгиланган. Бошқа миллий олимларнинг асарларида жазо тайинлаш тушунчасига берган таърифларида бошқача ёндошувни учратишимиз мумкин.

Масалан, баъзи олимлар жазо тайинлаш тушунчасига жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахсга нисбатан Жиноят Кодекси Махсус қисм моддаси санкциясида назарда тутилган жазо (мажбурлов чораси)ни қўлланилиши тушунилишини таъкидлаб ўтадилар.

Жазо тайинлаш тушунчаси борасида берилган таърифда ҳуқуқшунос Р.А.Рагимовнинг фикрича, жазо тайинлаш деганда биринчи инстанция судида жиноят иши бўйича иш юритишнинг якуний босқичи тушунилиб, бунда шахс айбдор деб эътироф этилади, унинг қилмишидаги жиноят таркиби жиноят қонунига мувофиқ малакаланади ҳамда заруратга қараб ушбу шахсга асосий ва қўшимча жазо чоралари тайинланади⁴.

Шу билан бирга, Е.В.Благов жазо тайинлаш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деган хулосага келади: жазо тайинлаш деганда тегишли

² Ғ. Ботиров Ўзбекистон Республикасида жиноят қонунчилигини либераллаштиришнинг асоси сифатида инсонпарварлик принципининг амалга оширилиши. 12.00.08 – жиноят ҳуқуқи ва криминология; жиноятижроия ҳуқуқи йўналиши бўйича юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2006 й. – 9 б.

³ М.Назаров Назначение наказания в уголовном праве Республики Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени доктора философии PhD по направлению 12.00.08 – Уголовное право и криминология, уголовно-исполнительное право. – Ташкент, 2020 г. – С. 23.

⁴ Рагимов Р. А. Проблемы назначения наказания (по материалам Республики Дагестан): автореф. дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. – Махачкала, 2002. – С. 9–10.



ҳолатлар асосида жазо тайинланишини ва унинг миқдори ҳамда шаклини қарор тарзида расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлган жараёнга айтилади⁵.

Гувоҳ бўлганимиздек, жазо тайинлаш тушунчаси борасида миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ягона ёндошув мавжуд эмас.

Ўз навбатида жазо тайинлаш тушунчасига таъриф бериш учун унга хос бўлган асосий белгиларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Жиноий жазо давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланади.

Жиноий жазо чораси фақат суд томонидан тайинланади.

Жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланади.

Махсус ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш фақат жиноят қонунида кўрсатилади.

Давлат номидан унинг органлари томонидан амалга оширилади.

Жазо тайинлаш учун жиноий қилмишнинг содир этилганлиги асос бўлади.

Жазо шахсни муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маълум вақт оралиғида чеклашида ифодаланади.

Судланганлик ҳолатини келтириб чиқаради.

Жазо жиноят содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан тайинладиган жиноий жазо тўғрисида олимлар, амалиёт ходимлари ўртасида доими тортишувлар бўлиб келган, турли фикрлар билдирилган, кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, икки муҳим жиҳатга доимо аҳамият берилиши лозим яъни нима учун жазолаш керак ва қандай жазолаш керак? Жазонинг айнан қандай миқдори ахлоқан тузалиш ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўлиши?

Л.Кругликов жазо тайинлашнинг икки мезонини фарқлайди: 1) жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини; 2) айбдорнинг шахсини ҳисобга олиш. Ўзининг бу нуқтаи назарини муаллиф жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар мазкур мезонлар мазмунининг муайян қисмини ҳосил қилиши билан изоҳлайди. Шу билан бир вақтда, унинг фикрича, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар муҳим вазифани бажаради – тайинланаётган жазога уни кучайтириш (оғирлаштириш) ёки юмшатиш (енгиллаштириш) йўли билан таъсир кўрсатади. Агар эътиборни шу вазифага қаратадиган бўлсак, ишнинг барча ҳолатлари жазога ё оғирлаштирувчи, ё енгиллаштирувчи тарзда таъсир кўрсатиши боис, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни таъсир чорасини танлашнинг бирдан-бир ва етарли мезони деб эълон қилиш учун асослар пайдо бўлади⁶.

Бизнинг назаримизда, гарчи кўрсатилган мезонлар бир-бирининг у ёки бу қисмини қамраб олса-да, жазо тайинлаш мезонларининг қабул қилинган

⁵ Благоев Е. В. Применение уголовного права (теория и практика). – СПб.: Юрид. Центр Пресс, 2004. – С. 302,

⁶ Кругликов Л.Л. О критериях назначения уголовного наказания // Вопросы теории уголовного наказания. – Ярославль, 1999. – С. 110-111.



схемасидан воз кечиш мақсадга мувофиқ бўлмаса керак. Уларни деталлаштириш судга жазо тури, муддати ёки миқдорини белгилашда янада аниқ мўлжал олиш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Жиноят кодексида қайд этилган инсонпарварлик принципининг мазмунига мантиқан тўғри келади. Ўз навбатида, мазкур принципнинг декларатив кўриниши, бир томондан, жазони юмшатишга қаратилган ва сиёсий аҳамиятга эга бўлса; бошқа томондан, жиноят-ҳуқуқий фанда жазонинг содир этилган жиноят учун интиқом бўлиш-бўлмаслиги ҳақида олиб борилаётган мунозарага таъсир қилади. “Инсонпарварлик” принципининг мазмун моҳияти айниқса, жазонинг мақсади ва одиллик принципи билан қиёслаштирилганда бир - бирига боғлиқ икки хил, лекин мазмунан фарқли фикрга олиб келади: биринчидан, қонуншунос маълум даражада жазонинг мақсади тўғрироғи функцияси сифатида интиқомни сақлаб қолиш тарафдорларини ёқлайди. Иккинчидан, қонуншунос ушбу принципни қонуннинг ҳар қандай нормаси каби очиқ-ойдин шакллантирмасдан ўз позициясини ўта эҳтиёткорлик биланамалга оширади.

Адабиётларда жазо тайинлаш умумий асосларининг бир гуруҳи қонунийлик принципини ва жазо тайинлаш чегарасини дифференциация қилиш талабини бажаришга қаратилганлиги қайд этилади. ЖК 54-моддасига мувофиқ, 1) суд ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада жазо тайинлайди; 2) суд ЖК Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди; 3) суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади. Жазо тайинлашнинг умумий асослари бундай деб аталишининг сабаби яна шундаки, улар ҳам асосий, ҳам қўшимча жазоларни тайинлашда ҳисобга олиниши лозим. А.Л.Цветинович қайд этишича, суд томонидан тайинланадиган қўшимча жазо ягона яхлит (асосий + қўшимча) жазонинг ажралмас қисми бўлгани боис, энг аввало шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, унга нисбатан жазо тайинлашнинг умумий асослари тўлиқ амал қилади⁷. Айни вақтда, қўшимча жазоларни тайинлашнинг умумий асослари муайян хусусиятга эга. Айрим умумий асослар қўшимча жазоларни тайинлашда ЖКнинг бошқа қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши лозим. Масалан, ЖК 54-моддаси 1- қисмига мувофиқ, суд ЖК Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада жазо тайинлайди.

Аммо мазкур умумий қоидадан қонун чиқарувчи, шу жумладан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазоларни тайинлашда ҳам бир нечта истисно ҳолатларни белгилайди. Масалан, ЖК 45-моддаси 3- қисмига мувофиқ, агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай

⁷ Дуюнов В.К., Цветинович А.Л. Дополнительные наказания. Теория и практика. – Фрунзе, 2016. – С. 117.



жазо суд томонидан ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги жазога келсак, у ЖК Махсус қисми нормалари санкцияларининг бирортасида ҳам умуман назарда тутилмаган. ЖКнинг 52-моддасида фақат ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган. Юқорида зикр этилган иккала жазо турини тайинлаш ҳам қонун чиқарувчи томонидан суднинг ихтиёрига ҳавола қилинган. Аммо муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги жазога нисбатан суд амалиётида уни тайинлашнинг қўшимча мезонлари яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги қарорининг 41-бандига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо шахс айбдор деб топилган ЖКнинг Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида тайинланади. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ЖКнинг Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилмаган бўлса, у ЖКнинг 45-моддасида белгиланган асослар ва доирада, қабул қилинган қарор ҳукмда асослантирилган ҳолда қўлланилиши мумкин⁸. Агар жиноятлар мажмуи ёки бир нечта ҳукм билан жазо тайинлашда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси жиноятларнинг бири ёки ҳукмларнинг бири билан асосий жазо сифатида, бошқа жиноят ёки ҳукм билан қўшимча жазо сифатида тайинланган бўлса, улар асосий жазо учун белгиланган муддат доирасида тўлиқ ёки қисман қўшилиши лозим.

Бунда узил-кесил тайинланган жазо асосий жазо деб ҳисобланади ва айбловнинг ҳар бир моддаси ёки ҳукмларнинг ҳар бири билан маҳрум қилинган ҳуқуқларнинг барча турлари назарда тутилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи бўйича жазо тайинлашнинг асосий мезонларидан бири содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олишдир. Мазкур мезон жиноий жавобгарлик, жазо ва уни тайинлашни индивидуаллаштиришнинг бош негизидир, десак, асло муболаға қилмаган бўламиз.

Содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси асосий жазо билан бир қаторда, қўшимча жазони тайинлашда ҳам, ҳеч шубҳасиз, ҳисобга олиниши лозим, зеро улар жамулжам ҳолда битта яхлит жазони ҳосил қилади. Хулоса қиладиган бўлсак, жазо тайинлашда принципларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

⁸ “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги қарори. // www.lex.uz/docs/1455976.